


Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш жараёнларида юзага келган муаммолар



Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш жараёнларида қуидаги муаммолар юзага келди:

- синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, расмий веб сайтларда, ижтимоий тармоқларда ҳамда маҳалларда тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилган бўлсада, аҳолининг рўйхатга олиш тадбиридан тўлик хабардор эмаслиги;
- маҳаллий ҳокимликлар томонидан рўйхатга олиш участкаларига белгиланган талаблар асосида зарур хоналар ўз вактида ажратилмаганлиги ва ходимларга зарур транспорт воситалари ажратилмаганлиги;
- рўйхатга олиш саволномаларидағи айрим саволларга (туар жойнинг умумий майдони, узоқ муддат фойдаланиладиган воситаларнинг мавжудлиги, қанча даромад олиши, спорт билан шуғулланиши ва ҳ.к.) аҳолининг кескин эътиroz билдирганлиги;
- рўйхатга олиш даврида 87 та хонадонлар рўйхатга олишда иштирок этишдан бош тортган, шунингдек, 2922 та хонадонларга рўйхатга олувчи ходимлар томонидан уч мартадан ортиқ ташриф буюрилган бўлсада, эшигини ҳеч ким очмаган. Ушбу хонадонларда яшовчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар маҳалла органларида мавжуд маълумотлар асосида олинган;
- рўйхатга олиш муддатининг қисқалиги (12 кун) сабабли айрим рўйхатга олиш участкаларида рўйхатга олиш ишларини ўз вактида якунлашда кийинчиликлар юзага келди.

Исламбек Нажимов
Қорақалпоғистон Республикаси
Статистика бошқармаси
Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил
этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи